

## А Ж Р И М

(Ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove this Watermark)

куни, жиноят ишлари бўйича суди Иқбол МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, суд раиси [REDACTED]нинг раислигида, суд мажлиси баённомасини юритувчи, суд ёрдамчиси [REDACTED], тарафлардан [REDACTED] прокурори ёрда [REDACTED], вояга етмаган судланувчи [REDACTED] ва унинг қону [REDACTED] ва унинг адвокати [REDACTED], вояга етмаган жабрланувчи [REDACTED] ва унинг қонуний вакили [REDACTED]нинг иштирокида [REDACTED]га нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган.

Суд, жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва уларнинг қонуний вакиллари ярашганликлари тўғрисидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатларига кўра, [REDACTED] 2022 йил 14 июль куни соат 15:30да [REDACTED] “Мир Алишер” МФЙ Янги маҳалла кўчасида жойлашган кўл бўйида танишлари [REDACTED]лар чўмилишда фойдаланадиган кесилган дарахт бўлаги, яъни тўнкани талашаётганлигини кўриб қолиб, [REDACTED] билан ўзаро тортишиб турган [REDACTED]нинг олдига келиб, дастлаб ўзини гўёки уларни тинчлантираётган шахс сифатида кўрсатиб, ўнг қўлининг мушт қисми билан вояга етмаган [REDACTED]нинг юз ва жағ қисмига бир неча марта уриб, [REDACTED]га тан жароҳати етказган.

Натижада [REDACTED] тан жароҳати олиб, [REDACTED] Тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

Суд тиббий экспертизасининг 2022 йил 25 июлдаги 487-Х-сонли хулосасида, [REDACTED]нинг пастки жағини ўнг томон бурчак соҳасидан синиб силжиши ва 3,4 тишлар соҳасидан синиб, силжимасдан синиши каби

тан жароҳатлари борлиги, ушбу тан жароҳатлари соғлиқни узоқ, йигирма бир кундан ортиқ, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган ўртача оғир тан жароҳатлар доғдасига кириши кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи вояга етмаган [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED] нинг иштирокида баёнот бериб, ихтиёрий равишда айбига тўлиқ иқрорлигини, жабрланувчи [REDACTED] га етказилган зарар тўлиқ қоплангани, ҳозирги кўра жабрланувчи [REDACTED] билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олиши билдирди ҳамда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафларнинг ярашгани муносабати билан тугатишни сўраб, қонуний вакили томонидан судга ариза тақдим қилинди.

Суд мажлисида жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED] нинг иштирокида кўрсатув бериб, судланувчи [REDACTED] томонидан етказилган зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув ихтиёрий бўлганини, келгусида ҳам [REDACTED] га нисбатан даъво қилмаслигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин ушбу иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунганлигини кўрсатди ҳамда [REDACTED] га нисбатан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафларнинг ярашгани муносабати билан тугатишни сўраб, қонуний вакили томонидан судга ариза тақдим қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] ва уларнинг қонуний вакиллари билан ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, тарафларнинг иш бўйича берилган аризаларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган [REDACTED] га нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, унга нисбатан қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд вояга етмаган жабрланувчи [REDACTED] ва унинг қонуний вакили [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим деб ҳисоблади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилди.

### АЖРИМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган вояга етмаган [REDACTED] га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин ва у жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Унга нисбатан қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Вояга етмаган жабрланувчи [REDACTED] ва унинг қонуний вакили [REDACTED] арга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида шу суд орқали [REDACTED] судига хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи: [REDACTED]

*“Ажрим нусхаси аслига тўғри”*  
Суд раиси: